

ИЛМДАН САОДАТ ТОПГАН ОЛИМ

ХАСАНОВ АКРАМ МУМИНОВИЧ

*Қаршии давлат университети Ўзбекистон
тарихи кафедраси профессор, тарих
фанлари доктори*



Марказий Осиё - дунё цивилизациясининг қадимий маконларидан бири, барча илмий тадқиқотлар бу ҳудудда бир неча минг йил олдин дастлабки ўтроқ ҳаёт тарзи шаклланиб, деҳқончилик, хунармандчилик ривожланган, қўрғонлар, обод қишлоқ ва шаҳарлар қуриш, каналлар қазилар ривожланиши, замин- замон гардиши, собит сайёралар ҳаракати, диний тасаввурлар ҳақидаги илмий шаклланишдан гувоҳлик беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи ўзининг ана шу қадимий тарихи бор бўйи билан, ҳолисона англаб етиш, улуғ аждодларимизнинг қолдирган меросини чуқур ўрганиб, дунёга ошкора этиш имкониятларига эга бўлди ва ҳозиргача эътиборга лойиқ қатор илмий ишлар амалга оширилди.

Ана шу қутлуғ ишни амалга оширишда меҳнати синган истеъдодли ва маҳсулдор олимлардан бири Сайфулла Нарзуллаевич Турсуновдир.

Олимлардан бири шундай деган эди: “Тарихий матнни ўрганиш - тарихни тириштириш ва қайта яшаришидир”. Дарҳақиқат, тарихни ўрганиш ва ўргатиш уни жонлантириш билан баробар. Сайфулла Нарзуллаевич тарихимизга қайта ҳаёт бағишлаганга ўз ҳиссасини қўшаётган ана шундай олимлардан бири - фидойи, олийжаноб инсон.

Сайфулла Нарзуллаевич ўзининг онгли ҳаётини илм - фанга бахшида қилар экан, қадимги даврдан бугунги кунгача бўлган

Сурхон воҳаси моддий ва номоддий маданий мероси, воҳа этнологияси, маданияти тарихи бўйича монография, рисола, дарслик, ўқув қўлланмалар яратди. С.Нарзуллаевич қизғин илмий педагогик изланишдан бир нафас ҳам тўхтаган эмас. У Сурхондарё вилоятининг фарзанди. Улуғ адиб Огаҳий, “Ватанни севиш ўз ўлкасини севишдан бошланади”, - деган эди. Алломалар ва юзлаб Термизийларни дунёга етиштириб берган Сурхондарё воҳасининг шон-шухрати ҳақи - ҳурмати устозимиз ўзининг илмий салоҳияти, куч - қувватини таваллуд топган заминига сарфлаб келмоқда.

Устознинг устозлик фаолияти, докторлик диссертацияси ёқлаган шогирдлари Қобулов Эшболта Атамуродович, Пардаев Тошкенбой Ражабович, Турсунов Нурилло Нарзуллаевичлар саналади. Фан номзоди, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ни С.Турсунов раҳбарлигида химоя қилганлар. Адашмасам, ҳозиргача 40 тадан ошди. У киши менинг номзодлик диссертациямни химоя қилиш жараёнида ҳам, докторлик диссертацияси химояси жараёнида ҳам мени қўллаб-қувватлаб, ўз йўл йўриқларини кўрсатган. 2008 йил 28 мартда ЎзМУда номзодлик диссертациясини химоя қилиш жараёнида етакчи ташкилот Термиз давлат университети белгиланган эди. Етакчи ташкилотдан ўтиш учун ТерДУга борганимда, у киши ўзи университет дарвозаси олдида ўзи чиқиб кутиб олган эди.

Кафедрагача олиб кириб (у киши Жаҳон тарихи кафедраси мудир эдилар) барча профессор – ўқитувчи устозлар билан таништириб, сўнгра диссертациямга тақриз ҳам берган эдилар (у пайтда ЎЗМУ илмий кенгашига аъзо эдилар). Сўнгра 2021 йил 16 декабрдаги Қарши давлат университети ҳузуридаги, илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашда докторлик диссертацияси ҳимоясида кенгашни олиб борган эдилар. Устоз бир нечта халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларни жуда аъло даражада ташкиллаштириб келадилар. Биринчи “Бойсун баҳори” халқаро фестивали ва унинг доирасида ўтказиб келинаётган конференцияларни эслаш kifоядир.

Қарши Давлат Университетида ҳам ўтказилаётган конференцияларда доим фаол иштирок этиб, ўзининг бир-биридан қизиқарли маърузалари билан конференция қатнашчиларини олқишларига, қизиқишларига сабабчи бўлиб келади.

Илмдаги жонкуярлиги. Эртадан кечгача ижод билан банд. Унинг Сурхондарё тарихи, Сурхондарё этнографияси, Тарихий ўлкашунослик, Шарқ алломаларининг илмий мероси каби ўқув кўлланмалари, Ўзбекистон Жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи, Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи, Имом Абу- Исо-ат Термизий ва Термизий алломалар, Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳияти, Қизирик тумани тарихи, Термиз шаҳри тарихи, Қумқўрғон тарихидан лавҳалар, Оила – маънавиятида аёл-она бебаҳо гавҳар, Фронтдан келган ҳатлар, Миллий халқ оғзаки ижодида бахшичилик санъатининг юксалиши, Ўзбекистон бахшилари жаҳон

туризми нигоҳида, Сурхондарё, Бойсун баҳори халқаро фольклор фестивали туризми салоҳияти, Сурхондарё вилояти жой номлари изоҳли луғати каби монографияларида устоз С. Турсунов Ўзбекистон тарихи, Этнология, Халқларнинг этник шаклланиши, маданий мероси ва тарихий жараёнларини илмий асосда тадқиқ этди. У кишининг барча асарлари Ўзбекистон тарихининг, хусусан Сурхондарё воҳаси тарихининг турли даврларига бағишланган. Дарсликлари асосида бир неча авлод тарих ва маданиятимизни ўрганиб келади.

Тилакларим. Устоз С.Нарзуллаевич ҳақида шуни алоҳида таъкидлаб айтишим лозимки, ТерДУ, ТерПИ ва бошқа филиалларда фаолият кўрсатаётган профессор- ўқитувчилар, тарих йўналиши магистр ва талабалари, докторантлар у кишига ҳавас билан шаклланмоқда ва шу руҳда тарбияланмоқда. Устоз ёш тарихчилар учун ёрқин маёқ вазифасини ўтаб келмоқда. Ушбу йўлда ҳеч чарчамасинлар.

Устоз ҳар доим ғайрати, шижоати, зиёли, ҳавас қилса арзийдиган инсон. Термиз Давлат Университетида оддий ўқитувчидан, университет ректори, профессор даражасига эришган олимдир. У ҳар бир ишига талабчан.

Мен улуғ устозни 70 ёшлари билан табриклаб, у кишини етмишдан ошиб, саксондан сакраб, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб, ҳар доим ишга чанқок ёшларни йўлчи юлдузи бўлиб қолишини тилайман. Устозга яратгандан мустаҳкам соғлиқ, баракали илмий фаолият тилаб қоламан.